Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 6 октябрь • №37 (1421)

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР

## ТАЛАБАЛАР ЯНГИ БИНОДА ТАҲСИЛ ОЛАДИ

**Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти янги бинода фаолият бошлади.**











Президентимизнинг 2020 йил 3 декабрдаги тегишли қарори асосида ташкил этилган мазкур муассаса 30 дан зиёд хорижий ва маҳаллий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Институт биносининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар янги иншоот меъморчиликнинг илғор ечимлари асосида бунёд этилганини таъкидлаб, бу ерда яратилган шарт-шароитлар тиббий таълим сифатини ошишига хизмат қилишини қайд этди.

Энди институт 3 та ўқув биноси, симуляция маркази, виварий, илмий лаборатория, 500 ўринли анжуманлар зали, 200 ўринли ошхона ва стадионни ўз ичига олган замонавий бинода ўз фаолиятини давом эттиради.

Тадбир доирасида муассасанинг бир гуруҳ фидойи устозлари “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**
**Матбуот хизмати.**

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

## КАСАЛЛИК ЖИДДИЙ, АММО ДАВОЛАШ ИМКОНИ БОР!

***"Саратон...". Ушбу сўзни эшитганда ногаҳон сесканмасликнинг ва "Худо асрасин..." деб қўймасликнинг имкони йўқ. Дарҳақиқат, ушбу касаллик бутундунё бўйича йил сайин кўпайиб, ёшариб бораётган, кўпчилик ривожланган давлатларда ўлимнинг биринчи сабабига айланиб улгурган, фан-техника шиддат билан ривожланиб бораётган XXI аср бўлишига қарамай, кўнгилга таскин берувчи универсал даво усулининг ҳозиргача топилиши кутилмаётган онкологик касалликлар – сайёрамизнинг энг долзарб касаллиги ҳисобланади. Хўш, юртимизда ҳолат қандай аҳволда? Ҳукуматимиз муаммо долзарблигини ҳис қила олаяптими? Онкологларимиздан сўрасак, беморларимизга дунё даражасида ёрдам кўрсата олаяпмизми? Шу ва бошқа саволларга жавоб сифатида юртимиздаги вазият, бажарилган ишлар, истиқболдаги вазифалар, ютуқ ва камчиликлар хусусида ушбу мақолада тўхталиб ўтишни мақсад қилдим.***



Ҳақиқатдан ҳам онкологик касалликлар бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам кўпайиб бормоқда. Айниқса, унинг “ёшариб”, болажонларда учраш ҳолатлари ошиб бораётганлиги, масаланинг анча жиддийлигидан далолатдир. Кўпгина ривожланган давлатларда саратон касаллигидан ўлим ҳолатлари инсонлар ўлимида етакчиликни эгаллаб улгурган бир вақтда, Ўзбекистонда ҳолат қандай?

Ҳозирги кунда юртимизда 113 мингдан зиёд онкологик беморлар диспансер назоратига олинган. Сўнги йилларда ҳар йили 25 мингдан зиёд онкологик беморлар бирламчи кўрикда аниқланмоқда. Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолининг 74 нафари онкологик касалликка чалинмоқда. Афсуски, бирламчи беморларнинг деярли ярми касаллик кечки яъни III ва IV босқичларида аниқланиб, йилига 14 мингдан зиёд инсон онкологик касалликлардан вафот этмоқда. Айниқса, кўкрак бези, меъда ва бачадон бўйни саратони Ўзбекистонда учинчи ўринни эгаллайди. Эътибор беринга, энг кўп учраётган кўкрак бези, бачадон бўйни, тухумдонлар саратонлари билан эркаклар, шунингдек, аёлларимиз касалланишини ҳисобга олсак, аёллар эркаклардан кўра кўпроқ саратон билан касалланаётганлиги албатта, ташвишли ҳолатдир. Шундай экан, юртимизда мазкур касалликни олдини олиш ва даволаш ишлари қандай йўлга қўйилган? **Давлатимиз томонидан қандай эътибор бериляпти?**

Нафақат ҳалқимиз, балки бутун дунё томонидан Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар эътироф этилмоқда. Очиқлик, демократия, яхши қўшничилик, сиёсий нейтралитет, давлат органларининг халққа яқинлашиши, айниқса, бемор хонадонигача бориб маҳаллабай ишланадиган, инновацион ва малакали ходимлар билан таъминланган, юқори технологиялар билан жиҳозланган ва ихтисослашган замонавий тиббий хизматлар фаолиятнинг юқори даражага кўтарилаётганидан далолатдир.

Бежизга соғлиқни сақлаш тизими ҳолати – Давлат тараққиётининг асосий индикаторларидан бири дейишмайди. Таъкидлашим муҳимки, Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар, барча соҳалар қатори тиббиёт тизимида ҳам ўз самарасини бермоқда. Дунё билан ҳамнафас бўлишга, масофавий таълим, инновациялар, электрон ҳужжат юритиш, қолаверса, бугунги тезкор талабни ўз вақтида бажаришда кўп сонли тиббиёт ходимларимизнинг хизматлари ҳам катта бўлмоқда. Республика бош онкологи сифатида шуни айтишим жоизки, ўтган 5 йил мобайнида онкология соҳасини ривожлантириш мақсадида 4 та Президент ва 3 та Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг қабул қилинганлиги ҳам сўзимнинг яққол исботи бўла олади. Ушбу қарорлар ижроси натижасида вилоятлардаги онкология диспансерлари Республика онкология марказининг ҳудудий

►(Давоми 2-бетда)

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

# КАСАЛЛИК ЖИДДИЙ, АММО ДАВОЛАШ ИМКОНИ БОР!

филиалларига айлантирилиб, ягона онкология тизими яратилди. Ҳудудларда 15 та ихтисослашган филиаллар, мавжуд бўлиб туманларда 237 та онколог кабинетлари ташкил этилди. Жумладан, 12 та ҳудудий филиаллар тўлиқ капитал таъмирланиб, 3 та филиал бутунлай янгидан қурилди. Ушбу муассасаларни энг замонавий текшириш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш мақсадида Ислом Тараққиёт Банкининг кредитлари 2 босқичда жалб этиладиган бўлди. Таъминотнинг биринчи босқичи эса ўтган йили якунига етказилди. Марказимиз ва Тошкент шаҳар филиалига 3 миллион АҚШ доллари қийматига эга энг замонавий чизиқли тезлаткичлар харид қилинди. Филиаллар 11 та дистанцион ва 7 та брахитерапевтик радиотерапия ускуналари билан жиҳозланди. Авваллари республикамизда бор-йўғи 5 та нур терапия ускунаси бўлиб, нур терапия оладиган беморлар бир неча ойлаб навбат кутишига тўғри келар эди. Ҳозирги кунда эса, нур терапия ускуналари сони 27 тага етди ва барча филиалларимиз ушбу ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Ҳозирда беморлар нур даво олиш учун бошқа вилоятга ёки пойтахтга келишига умуман эҳтиёж қолмади ва нур давога навбат кутиш ҳолатлари бартараф этилди. Онкологик касалликларни даволашда жарроҳлик усули энг асосийлардан бири бўлиб, кам инвазив, юқори технологик, замонавий лапароскопик ускуналар харид қилиниб, онкология муассасаларида лапароскопик амалиётлар бажарилиши кенг йўлга қўйилганлиги, яна бир муҳим ютуғимиздир. Онкология амалиётида энг оғир, кўп қон йўқотиш ва асоратлар билан кечувчи, бир неча соат давом этадиган нефрэктомия, тромбэктомия, гастрэктомия, колэктомия, простатэктомия, гистерэктомия каби амалиётлар лапароскопик усулда, яни қоринни кесмасдан, 3-4 та кичик тешиклар орқали бажарилмоқда. Бу амалиётлар самарали ва асоратсиз амалга оширилиб, беморлар тезда соғайиб оиласи бағрига қайтмоқда. Бундан ташқари, янг замонавий ультратовуш, гастроскоп, бронхоскоп ва колоноскоп ускуналари ҳам кредитнинг биринчи босқичида харид қилинди. Яна бир харид қилинган ускуналар "С-дуга" ҳаракатланувчи рентген ускуналари бўлиб, 7 та бундай ноёб қурилма онкологик муассасаларга ўрнатилди. Ўзбекистонда аввал умуман мавжуд бўлмаган, энг замонавий морфологик текширув усули – иммуногистохимия (ИГХ) йўлга қўйилди ва барча филиаллар замонавий қимматбаҳо камерал микроскоплар ва ИГХ ускуналари ва реактивлари билан бепул таъминланмоқда. Ҳозирда ушбу ускуналар онкологик беморларимизда касалликни текшириш ва даволашда жуда самарали қўлланилмоқда.

Хорижлик ҳамкасбларимиз тажрибасини юртимиз онкология тизимига тадбиқ этиш мақсадида кўплаб давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ушбу мақсадлар учун сўнги 5 йилда Туркия, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Россия каби 22 та ривожланган давлатларнинг етакчи тиббий муассаса ва марказлари билан ўзаро келишув меморандумлари имзоланди. Тизим фаолиятини тубдан яхшилаш мақсадида Жанубий Корея, Ҳиндистон

> **"Тиббиётнинг вазифаси онкологик касалликларни камайтиришга эмас, уларни эрта босқичларда аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак ..."**

ва Беларусдан соҳанинг етакчи 4 нафар маслаҳатчилари жалб этилди. Улар ҳозирда марказ мутахассислари билан ҳамкорликда онкология тизимини ривожлантириш борасида тинимсиз изланишмоқда. Маълумки, кадрлар масаласи ҳар доим долзарб бўлиб келган.. Сўнги 5 йилда юртимиз онкология муассасаларининг 162 нафар ёш, истиқболли мутахассислари дунёнинг ривожланган, энг етакчи тиббиёт муассасаларида давлат маблағлари ҳисобидан ўрта ва узоқ муддатли малака ошириб қайтишди. Шунингдек, 2022 йилнинг иккинчи ярмида 100 нафар мутахассис режа асосида Туркия ва Корея Республикасининг энг илғор клиникаларида, малака ошириш учун юборилмоқда. Куни-кеча уларнинг бир гуруҳи Кореянинг Мёнжи ва Бунданг клиникаларида малака оширишди. Юртимизда онкологик касалликлар профилактикаси борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 9-14 ёшли қизларда одам папилломаси вирусига қарши эмлаш ишлари ўтказилиб, унинг кўрсаткичи 98 фоизни ташкил этмоқда. Бу тадбир Ҳамдўстлик давлатлари ичида фақат Ўзбекистонда амалга оширилаётган бўлиб, унинг самараси сифатида 2050 йилга келиб бачадон бўйни саратони аёлларимизда тўла йўқолишига эришилади.

Бундан ташқари, кўкрак бези ва бачадон бўйни саратон олди касалликлари ва саратонини эрта босқичларда аниқлаш имконини берувчи Скрининг текширувларининг ҳам юртимизда тўғри йўлга қўйилган ва бу борада фаолиятлар олиб борилмоқда. Умид қиламизки, бу эзгу мақсадлар яқин йилларда мамлакатимизда онкологик касалликларини олдини олиш, даво муолажаларини ўз вақтида сифатли ўтказиш, беморларни ҳаётини узайтириш ва ўлим кўрсаткичларини камайтиришга олиб келади. Ушбу мақсадларда Бухоро вилоятининг барча туманлари 2 та мобил ва 13 та стационар маммографлар билан таъминланди. Шу кунларда эса юртимизнинг барча вилоятларига 13 та мобил ва 2 стационар маммографик ускуналар харид қилинди.

Ҳозирда 2019 йилдан бошлаб марказимизда барча шароитларга эга, янги, замонавий маслаҳат диагностик поликлиника биноси фаолият юритмоқда. Беморлар мурожаати, шифокор навбатига ёзилиш, текширувларга йўналтириш ва бўлимларга жойлашиш жараёнлари масофавий, электрон шаклда амалга оширилмоқда. Марказимизда барча ҳужжатлар электрон шаклда юритилиб, маълумотлар базаси шакллантирилган. Ушбу қулайликлар марказ филиалларида ҳам ташкил этилган бўлиб, оворагарчиликлар бартараф этилди. Албатта, энг асосий ютуқларимиздан бири – бу дори билан таъминот масаласидир. 5 йил аввал ўсмага қарши дориларга бор йўғи 1,2 миллион АҚШ доллари ажратилган бўлса, ҳозирда деярли 10 баробар кўп, яъни 11 миллион АҚШ долларидан кўп маблағ ажратилмоқда. Кимё дорилари таъминоти эса 12-15 фоиздан 90-95 фоизга яхшиланди. Дунё фармсаноатининг энг катта ютуқларидан бири бўлмиш қимматбаҳо Таргет дори воситалари

> **"Онкологик касалликлар билан касалланишнинг олдини олувчи универсал усул йўк, аммо, касалликни 100 фоиз даволанса бўладиган эрта босқичда аниқлаш имконияти бор ..."**

билан беморлар сўнги 1 йилда давлат маблағлари ҳисобидан бепул таъминланмоқда. Куни кеча юртимизда Зангиота ихтисослашган шифохонаси таркибида "Таскин" номли замонавий жиҳозланган 20 ўринли биринчи болалар Хосписи очилди. Бундан ташқари Фарғона, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида 50 ўринга эга Хоспислар қуриб битказилди ва Тошкент шаҳрида ҳам янги Хоспис қурилмоқда. Ушбу Хоспислар кечки босқичдаги, оғир, ўзгалар кўмагига муҳтож бўлган беморларни даволаниши учунжуда муҳимдир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, онкология тизимининг барча муассасаларини бирдек ривожлантириш, бирламчи тизим ва бевосита аҳоли ва маҳалла билан ҳамкорликда ишлаш, халқнинг бу борадаги тиббий саводхонлигини ошириш, шунингдек, бирламчи бўғин шифокорлари малакасини ошириш мақсадида, 2017 йилда марказимиз етакчи ходимларидан ибoрат 14 та гуруҳ тузилди ва ушбу мутахассислар режа асосида ҳудудларга чиқиб, сўнги 5 йилда 1300 маротаба чиқишлар қилишди, 3000 марта маҳорат дарслари, 1000 дан ортиқ семинар ва маърузалар ўтказишди, 36 мингдан ортиқ беморлар тиббий кўрикдан ўтказилди, 600 та жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли амалга оширилди. Жойларда янги ташхислаш ва даволаш усулларини тадбиқ этишди.

Жорий йилнинг 13 май кунида "Ислом тараққиёт банки иштирокидаги "Ўзбекистон Республикаси онкология муассаларини модернизация қилиш (II босқич)" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Давлатимиз раҳбарининг қарори имзоланди. Лойиҳанинг II босқичини 2022-2026 йилларда амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, унинг қиймати 80 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу маблағлар ҳисобига онкология муассасалари қурилади, реконструкция қилинади, уларни жиҳозлаш учун 110 турдан ортиқ тиббий ва диагностик асбоб-ускуналар харид қилинади, онкология хизматини тубдан янгилаш ва сифатини ошириш, бирламчи саратонни бошланғич босқичларида аниқлаш ҳамда ушбу йўналишда соҳа мутахассисларини ўқитиш ва тайёрлаш ишлари амалга оширилади.

**Яна бир муҳим янгилик:** Президентимизнинг ташаббуси билан Тошкент тиббиёт академиясининг бўш ҳудудида Республика онкология марказининг янги, замонавий 650 ўринга эга стационар ва 100 ўринли амбулатор биноларини қуриш ишлари давом этмоқда. Ушбу марказ 2023 йил кузида ишга туширилиши режалаштирилаётган бўлиб, у нафақат Ўзбекистонда, балки Мар-

> **"Онкологик касалликларга қарши курашнинг энг самарали усули - зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом турмуш тарзи кечириш ва соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, ҳамда экология озодалиги учун курашдир ..."**

казий Осиёдаги энг йирик ва замонавий онкология муассасаси бўлади, ҳамда Ўзбекистон аҳолисига юқори малакали ихтисослашган онкологик ёрдам кўрсатиши билан бирга, қўшни давлатлардан тиббий туризм орқали беморларни кенг жалб қилиш имконини яратади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, онкология соҳасида қабул қилинаётган қарорлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар, харид қилинаётган замонавий, юқори технологик асбоб-ускуналар, ўқитилаётган мутахассислар – яқин йилларда юртимиз тиббиёти ва онкология тизимининг янада тараққий топишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Мирзағолиб ТИЛЛЯШАЙХОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош онкологи, Ўзбекистон онкологлар Ассоциацияси раиси, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти онкология, онкогематология ва радиацион онкология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

# НОЁБ ВА МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯЛАР ТУРИ 34 ТАГА ЕТДИ



***ЖССТ маълумотларига кўра, дунёда юз бераётган ўлим ҳолатларининг қарийб 60 фоизи юрак-қон томир тизими касалликлари оқибатида келиб чиқмоқда. Қолаверса, бу турдаги хасталиклар ҳануз ногиронликка етакловчи энг асосий сабаблардан бири.***

***Стентлаш, аорта коронар шунтлаш, радиочастотали аблация, электрокардиостимулятор ўрнатиш, юрак клапанларини протезлаш каби очиқ усулдаги амалиётлар йилига минглаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва умрини узайтириш имконини бермоқда. Бундан ташқари, юрак нуқсонларини эндоваскуляр усулда даволаш ҳам кенг оммалашяпти. Муассасанинг Рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлими шу йўналишга ихтисослашган.***

Бундай оғир дарддан азият чеккан юртдошларимиз яқин йилларгача Германия, Туркия, Россия, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби мамлакатларга даво истаб борган бўлса, энди бу йўналишдаги барча илғор муолажа усуллари юртимизда йўлга қўйилган. Хусусан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида ҳозир 34 турдаги мураккаб ва ноёб операциялар ўтказилмоқда. Сурункали тож томирлар окклюзиясини антеград ва ретроград йўллар билан очиш ва стентлаш, катетер орқали аортал клапан имплантацияси, қоринчалараро ва бўлмачалараро тўсиқ дефекти ҳамда юрак туғма нуқсонларини катетер орқали окклюдер билан ёпиш амалиётлари шулар жумласидан.

Ушбу инновацион муолажа турларининг ноёблиги шундаки, улар кўкрак қафасини кесмасдан, билак томири орқали бажарилади.



Электрофизиологик текширувлар ва юрак аритмиялари мураккаб турларини жарроҳлик йўли билан даволаш бўлимида эса 10 турдаги операциялар ўтказилмоқда. Улардан 6 тасида радиотўлқинли аблация усули қўлланилса, 4 тасида турли электрокардиостимуляторлар имплантация қилинади. Жумладан, радиочастотали аблация усулига мувофиқ, кўкрак қафасини очмасдан, махсус мосламалар ёрдамида юракка етиб борган ҳолда, унинг нотекис уриши (аритмия) билан боғлиқ баъзи нуқсонлар радиотўлқин воситасида бартараф этилади. Кардиожарроҳлик бўлимида очиқ усулдаги юқори технологик амалиётлар ўтказилади. Ушбу муолажа тури ишлаб турган юракда бажарилиб, бир вақтнинг ўзида ушбу тана аъзосида икки ва ундан ортик ўта мураккаб операциялар амалга оширилади.

Яъни юрак клапанларини протезлаш, пластика қилиш, туғма нуқсонларни жарроҳлик йўли билан бартараф этиш, юрак мушаклари ўсмалари, қоринча ва бўлмачалар ичидаги тромбларни олиб ташлаш сунъий қон айланиш тизими ёрдамида ўтказилади. Эътиборлиси, марказимизнинг ҳудудий филиалларига ҳам ангиограф ускунаси ўрнатилиб, коронарография ва стентлаш амалиётлари йўлга қўйилгач, даволаш ҳамда диагностика усуллари 40 тагача етказилди.

**Хуршид ФОЗИЛОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори.**

НАЗАРИЯДАН АМАЛИЁТГАЧА

# ИЛК БОР СОН СУЯКЛАРИ СИНИШЛАРИ ЎТКИР ДАВРИДА ТОС-СОН БЎҒИНИНИ ЭНДОПРОТЕЗЛАШ йўлга қўйилди



***Шошилинч тиббий хизмат одамлар энг кўп мурожаат қиладиган, аҳолига ҳар томонлама тез ва сифатли ёрдам кўрсатувчи муҳим тузилма саналади.***



Айтиш керак, охирги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасига қаратилаётган эътибор натижасида мазкур йўналишда яхлит тизим яратилиб, унинг қамрови янада кенгайди. Хусусан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги 13 филиали ҳамда 181 та субфилиалида аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул, сифатли ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Биргина РШТЁИМнинг 53 та клиник ва параклиник бўлим ҳамда таркибий бўлинмаларида бугунги кунда ўнлаб турли юқори технологик ва мураккаб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли бажариляпти.

Жумладан, катталар ва болаларда қорин бўшлиғи, кўкрак қафасидаги барча шошилинч касалликларда минимал инвазив лапароскопик жарроҳлик усуллари, юрак ҳуружи ва бош мия қон айланиши бузилишларида дунёда “олтин стандарт” сифатида қабул қилинган тери орқали минимал инвазив ангиографик усуллар кенг қўлланилмоқда.

Ҳозир диагностика ва даволаш жараёнига бир қатор инновацион усуллар татбиқ қилиняпти. Хусусан, 2022 йил марказ ва унинг ҳудудий филиалларида “бола ёшидаги шикастланишлар” бўлими ташкил қилинди. Умуртқаларнинг ностабил синишларини хирургик даволашнинг замонавий усуллари амалиётга татбиқ қилиниши натижасида эса 900 нафардан зиёд беморнинг соғайиш муддати қисқарди.

**Яна бир янгилик.** Марказимизда бу йилдан илк бор тос суяклари ва қовурғаларнинг кўплаб синишларида замонавий юқори технологик металл конструкцияларни қўлловчи янги хирургик амалиётлар йўлга қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда илк бор сон суяклари синишлари ўткир даврида тос-сон бўғинини эндопротезлаш муолажа усуллари амалиётга татбиқ қилиниб, бугунгача 20 нафардан зиёд оғир шикастланган беморда ушбу мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилди. Натижада улар орасида ўлим ва ногиронлик кўрсаткичлари қисқаришига эришилди.



Қолаверса, япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда бош миянинг қон томир нуқсонларини диагностика қилиш ва хирургик даволашнинг энг замонавий усулларини қўллаш орқали инсульт оқибатида чуқур ногиронликка маҳкум бўлган 35 нафардан зиёд беморда ноёб операциялар ўтказилди.

**Айниқса, мамлакатимизда илк бор юракнинг коронар артериялари ва бош миянинг экстракраниал қон томирларида бир вақтнинг ўзида гибрид ва симультант операцияларнинг бажарилиши кўплаб беморлар ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилмоқда.**

**Дониёр АЛИМОВ,**
**Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори.**

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

# КОМИЛ ИНСОННИ ИЗЛАБ КОИНОТГА ЧИҚМАНГ...

***“Инсон умри абадий эмас! Лекин у абадийликка интилади”, деган эди немис олими Рикхтер. Ҳақиқатан шундай, ноботот дунёсининг ҳукмдори бўлмиш биз инсонлар ҳам гарчи ўзимиздан тожу-тахт ва туганмас бойлик қолдира олмасакда, лекин яхши ном, келгуси авлод қалбида яхши калом қолдиришга уринамиз. Шу ўринда бир савол туғилади: инсон умри нима билан гўзал ва безаклидир? У ўзининг жамики нодир ишлардан ториб, яратган сиймосигача гўзалликка бурканган бўлади. Ваҳоланки, вақт олий ҳакам экан, умр эса унинг сарҳисобчиси. Умрнинг ҳар бир они ғанимат ва бебаҳодир.***

Бинобарин, биз учун ғанимат бўлган, инсонлар дунёси ниҳоятда бой, боғ-роғлари гул кўчатларига лиммо-лим мовий салтанат кўзгусига айланиб келган. Ана шундай силсилавор умр халқимиз орасида “Умр мазмуни”, деган шох сатрларда битилади. Унинг устидан беихтиёр сирли қаламлар, сирли рақамлар олис-олисдан сўйлагандек бўлиб кўринаверади.

Биз юқоридаги фалсафий фикрларимизни бежизга узоқдан бошламадик. Унинг замирида инсоннинг ҳаёти ва умр йўлидаги фаолиятлари мужассам эканлигини кўрамиз. Беихтиёр тўлқинланиб кетамиз. Ортга назар ташлаймиз. Жамият ва оиладаги ўрнимизни сарҳисоб қиламизда, дақиқа, кун, ой ва йиллар давомида ўтган умримизнинг нечоғлик мазмун ва моҳиятга эга бўлганлигини чин дилдан ҳис қиламиз. Оила ва фаолиятда эришган ютуқларимиз, қолаверса, муаммо ва камчиликларимизни бир-бир кўз олдимиздан ўтказамиз. Шундай экан, инсон учун энг олий бахт бу тарихда яхши ном қолдиришдир. Фахр билан айтишимиз жоизки, мамлакатимиз тиббиёт тизимида фаолият юритган ва юритаётган кўплаб соҳа ходимларининг машаққатли ва масъулиятли, аммо шарафли ишлари юқорида таъкидлаганимиздек, умр мазмуни деб аталган, шох сатрларида зарҳал ҳарфлар билан битилганини кўрамиз.

Дарҳақиқат, ҳар бир касбнинг ўз масъуллиги бўлганидек, соғлиқни сақлаш тизимининг барча йўналишларида ўзига хос мактаб яратиб, машаққатли меҳнатлари ортидан эл орасида ҳурмат ва эътибор топаётган, тиббиётимиз фидойилари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уларнинг босиб ўтган йўллари кўпчилика ўрнак бўлиб, тиббиёт фанини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари, сидқидилдан қилган ҳалол меҳнатлари бугунги кунда ўз мевасини бераётганидан халқимиз мамнун. Ана шундай, ўз ҳаётини тиббиётга бағишлаган, кўплаб беморлар дардига даво бўлган **“Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими"** Базарбай Есболовдир.



Базарбай Есболов 1949 йил Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйнок тумани таваллуд топди. Ўрта мактабни аъло баҳоларда тугатиб, 1967 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт университети (Собиқ Самарқанд давлат тиббиёт институти)га ҳужжатларини топширди. Ва талабалик деган номга мушарраф бўлди. Университетни 1973 йилда муваффақиятли тугатиб, врач-педиатр дипломини олди ва илк фаолиятини Нукус шаҳри Республика болалар шифохонаси интернатура шифокорлигидан бошлади. 1974 йилга қадар ушбу шифо масканида тажрибали шифокор ва устозлардан касб сирларини ўргана бошлади. 1974-1975 йилларда Нукус шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими, 4-сон шаҳар поликлиникасида ҳудудий педиатр шифокори вазифасида фаолият юритди. Базарбай ака бирламчи тизимда иш бошлар экан, албатта, осон бўлмади. Чунки, ишнинг асосий масъулияти кўпроқ аҳоли орасида ишлаш ва касалликларни олдини олишга қаратилган эди. Аксарият 1974 йилда аҳоли орасида қизамиқ касаллиги авж олган бир пайтлар эди. 25 ёшли ёш шифокор ушбу касалликни олдини олиш, даво муолажаларини ўз вақтида олиб бориш, аҳолига бу борада чуқур маълумотлар бериш муҳим эканлигини англаб астойдил ишга киришди. Маълум бир вақт ишлаган бўлсада, бирламчи тизимдаги фаолиятлар бўйича анчагина тажриба орттирди. 1976-1979 йилларда Нукус шаҳар марказий шифохонада ЛОР шифокори этиб тайинланди. Қанчадан-қанча бемор болажонларни даволади. Бу ерда ҳам тиббиётнинг ўзига хос сиру синоатлари борлигини, айникса, ёш болалар билан ишлашнинг ўзига хос масъулиятли томонларини чуқур англаб етди. 1979-1984 йиллар давомида Нукус шаҳар Республика болалар шифокорида нейрохирург шифокори лавозимида меҳнат қилди. 1979 йилнинг январь ойида Базарбай ака раҳбарият йўлланмаси билан Россиянинг Новокузнецк шаҳридаги врачлар малакасини ошириш институтининг нейрохирургия кафедрасига малака ошириш учун юборилди. Ёш, етук мутахассис беш ой давомида ушбу кафедра ва олийгоҳ клиникасида назарий ва амалий билимларини ошириб, нейрохирург шифокор мақомига эга бўлди. Базарбай ака Есболов малака ошириш давомида олган амалий кўникмалари тўғрисида қуйидагиларни гапириб ўтди. *“Қишнинг совуқ кунларида малака оширишимга тўғри келди. У ерларда жуда изғиринли совуқлар бўлар эди. Шундай бўлсада, кафедрада назарий билимларимни олиб, кечқурунлари клиникада ишлар эдим. Аста-секинлик билан нейрохирургия йўналишидаги оғир операцияларни амалга оширишни ўргана бошладим. Беш ой давомида олган тажрибаларимни Нукус шаҳар Республика болалар шифохонасида нейрохирург-шифокор вазифасида давом эттирдим. Ушбу йўналиши ниҳоятда мураккаб бўлиб, касаллик ташхиси оғир, лекин беморларни бундай вазиятлардан чиқаришда бор билим ва тажрибамни қўллар эдим. Соғайиб кетган беморларим ва оила аъзолари ниҳоятда мамнун бўлишар эди. Айримларида касалликни асорати безовта қилиб, тиббий кўрикка келишганда, кераkли тавсияларни берардим. Зарурат бўлса, даво муолажалари олиб борар эдим. Шу беш ой давомида нейрохирургия бўйича олган малакам хирургик касбимни чуқур эгаллашда энг катта мактаб бўлди, десам адашмайман”.*



**Алишер ТЛЕУБЕРГЕНОВ,**
**Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали хирург-шифокори:**

*- Мен устозим Базарбай Есболовнинг касбга бўлган садоқати, эзгу фазилатлари ва шижоатини жуда ҳурмат қиламан. Улардан касб сирларини ўрганганман. Айни кунларда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиалида хирург-шифокор бўлиб фаолият юритмоқдаман. Мураккаб операцияларда устозим ўргатган услубларни қўллайман. Фаолиятим давомида бир неча бор малака ошириш курсларида назарий ва амалий билимларимни ошириб қайтдим. Аввало, Давлатимиз раҳбарига ўз ташаккуримни изҳор этмоқчиман. Сўнги йилларда шифо масканларимиз тубдан ўзгариб, замонавий технологиялар билан таъминланди, кадрлар масаласига эса алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ишлашимиз учун кенг имкониятлар яратилган. Давр талабига яраша бор тажрибамизни ишга солиб, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Мустақиллик арафасида устозимизга* ***“Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”*** *фахрий унвони берилгани барчамизни мамнун этди. Шу ўринда менга касб сирларидан сабоқ берган устозим Базарбай Есболовнинг юксак мукофот билан қутлайман. Ўзларига мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик тилаб қоламан.*

Раҳбарият тавсиясига кўра, Базарбай ака Есболов 1984-1990 йилларда Нукус шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими 3-сон шаҳар поликлиникасида хирург бўлиб ишлади. Касбига иштиёқи баланд бўлган тажрибали шифокор илк фаолиятини бирламчи тизимда бошлаганлиги сабабли поликлиникада ҳам самарали ишларини давом эттириб, аҳолига хирургия йўналишида сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келди. Шу ўринда айтиш жоизки, хирургия кабинетларида ишлашнинг ўзига хос талаблари бор эди. Талабчан, каттиқўл шифокор тиббиётнинг ҳар бир меъёрий-ҳужжатларига амал қилган ҳолда астойдил хизмат қилди. Ҳатто, кичик турдаги операциялар ҳам амалга оширилди. Ўз касбига содиқат билан ёндошган малакали мутахассис 1990-2009 йилларда яъни узоқ вақт давомида У. Халмуратов номидаги 1-сонли шифохонада даставвал хирург, кейинчалик эса беш йил давомида бош шифокор муовини, шунингдек, етти йил давомида хирургия бўлими мудири вазифаларида фаолият олиб борди. Базарбай ака Есболов хирург бўлиши билан бир қаторда раҳбарлик лавозимини ҳам кўнгилдагидек бажарди. Бош шифокор ўз вазифасини бажарсада, у муовини Базарбай ака олиб борган натижали фаолиятларни ижобий баҳолар ва асосий масалаларни унинг зиммасига юклар эди. Бир катта муассасада раҳбар бўлгандан сўнг ташкилотчилик, талабчанлик ва шижоат билан иш олиб борилмаса, ишлар самарасиз кечиши мумкин. Лекин бош шифокор муовини Базарбай ака Есболов шифохонанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар масаласини яхшилаш, жамоа ходимлари ва беморлар учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда муассаса ҳудудини ободонлаштиришда муносиб ҳиссасини қўшди. Шифокоримиз ўзининг ҳалол меҳнати билан жамоа орасида обрў-эътиборга эга бўлди. Мазкур шифохонада 19 йил фаолият олиб борган Базарбай ака Есболов қанчадан-қанча беморларни ҳаётини сақлаб қолиш билан бирга аҳоли орасида шифо масканининг нуфузини оширди. 2009-2016 йилларда малакали шифокор Республика силга қарши диспансерида хирург вазифасида ишини давом эттирди. Бу ерда ҳам бор билим ва тажрибасидан фойда-

►(Давоми. 5-бетда)

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

# КОМИЛ ИНСОННИ ИЗЛАБ КОИНОТГА ЧИҚМАНГ...

ланган ҳолда кўплаб оғир, мураккаб операцияларни амалга оширди. Касбига садоқат билан ёндошган тиббиёт соҳаси ва халқимиз саломатлиги йўлида 49 йил фаолият олиб борган Базарбай ака Есболовнинг машаққатли ва сермаҳсул меҳнатларини сарҳисоб қиладиган бўлсак, то **кунга қадар беморларда 10 мингдан ортиқ катта ва кичик хирургик операцияларни амалга оширган.** Шунингдек, бу давр ичида кўплаб шогирдларни етиштирди. Айни пайтда шижоатли шифокоримиз 2018 йилдан буён Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникасига қарашли 8-сонли оилавий поликлиникада хирург бўлиб ишлаб келмоқда. Тажрибали шифокор поликлиника фаолиятида олдинги малакаларини қўллаган ҳолда турли хилдаги зиёнсиз безлар, ёғ безлари (липома), геморрой, йирингли паропроктит, йирингли абцесс, флегмона ва гангрена касалликлари бўйича хирургик операцияларни амалга оширмоқда. Шу билан бирга аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Базарбай ака Есболов Нукус шаҳар болалар поликлиникасида ҳамшира бўлиб ишлаган турмуш ўртоғи Нигархан Тилеўниязова билан бахтли яшаб, беш нафар фарзандни вояга етказишди. Айни пайтда ота касбини улуғлаб келаётган ўғиллари Даўлетбай Есболов Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида невропатолог, Муратбай Есболов Хўжайли туман хусусий клиникасида УТТ шифокори вазифасида фаолият юритишмоқда. Қолган фарзандлари эса нуфузли ташкилотларда меҳнат қилишмоқда. "Меҳнат қилган элда азиз" деганларидек, мақоламиз қаҳрамони Базарбай Есболовнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари қадрланиб, 2000 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг фармонига кўра фахрий ёрлиқ билан тақдирланган эди. 2022 йилда эса элимизнинг дўсига мушарраф бўлган, 49 йил давомида халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилган, касбига садоқат билан ёндошган хирург Базарбай Есболов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қарорига асосан "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвонига муносиб деб топилди.

***Жамол ТАРИХОВ, Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:***

*- Устозимиз "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвони берилиши жамоамиз аҳлини қувонтирди. Албатта, осон эмаски, 49 йил бир соҳада фаолият олиб бориш. Аксарият тиббиёт тизими ниҳоятда машаққатли ва масъулиятли, кези келганда жавобгарлиги жуда катта. Ана шундай оғир ва машаққатли йўлларни босиб ўтган, халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилган хирург Базарбай Есболов меҳнатларига муносиб рағбат олди десам хато бўлмайди. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, шу йиллар давомида устоз 10 000 дан ортиқ беморларда катта ва кичик мураккаб операцияларни амалга оширган. Бундан ташқари, қанчадан-қанча дардманларга даво улашган. Уларнинг оиласини шифокорлар сулоласи десак ҳам бўлади. Турмуш ўртоғи Нигархан опа ва икки нафар фарзандлари ҳам шифокорлик касбини улуғлаб келишмоқда. Базарбай Есболов бугунги кунда бирлашмамизга қарашли 8-сонли оилавий поликлиникада фаолият олиб бормоқда. Устоз ҳали чарчаб қолганлари йўқ. Касбга садоқат, шижоат ва шифокорликка хос эзгу фазилатлари ҳам тарк этмаган. Шундай экан, устозимизни фахрий унвон билан яна бир бор қутлаб, халқимиз саломатлиги йўлидаги ишларига омадлар тилаб қоламан.*



***Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мақоламиз аввалида "Умр мазмуни" шоҳ сатрларда битилади, деган фикримиз бугун ўз исботини топди. Касбидан бахт ва обрў топган ажойиб ва камтарин инсон, тажрибали хирург Базарбай Есболовнинг умр дафтаридан зарҳал ҳарфлар билан битилган шоҳ сатрлар ўрин олди, десак муболаға бўлмайди. Шу фурсатдан фойдаланиб, мақоламиз қаҳрамонини фахрий унвон билан самимий қутлаб, келгусидаги ишларига ривожлар тилаб қоламиз.***

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

***Поп шаҳрининг "Буюк ипак йўли" маҳалласида яшовчи 73 ёшли меҳнат фахрийси Сапияхон Мирсултонова учун кутилмаган воқеа юз берди. Нуроний педагогни ҳамкасбларигина эмас, бир гуруҳ таниқли шифокорлар Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан қутлашди ҳамда унинг саломатлигини тиббий кўрикдан ўтказишди. Худди шундай эҳтиром халқ таълими фидойиси Музафатхон ая Аҳмедовани ҳам беҳад мамнун этди.***





Бу – вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази малакали шифокорларининг Поп туманидаги бир кунлик амалий фаолияти дебочаси эди. Аслида кун давомида туман аҳлига самарали тиббий хизмат кўрсатилди. Бош шифокор Низомиддин Отамирзаев бошчилигида 15 нафар тор соҳа мутахассислари бошқарма жадвалига асосан туманда бўлдилар. Гастроэнтеролог Абдували Асқаров, кардиолог Музаффар Олимжонов, оториноларинголог Ҳасанбой Абдураҳмонов, уролог Сайфиддин Мамадалиев, травматолог Абдураҳим Йўлдошев, травматолог Абдураҳим Йўлдошев, аллерголог Даврон Ўринов ва бошқа тажрибали шифокорлар туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида аҳоли вакилларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказдилар. Касаллиги аниқланган беморларга даволаниш учун маслаҳат ва тавсиялар берилди. Янада мукаммал тиббий текширувлардан ўтиши лозим топилган фуқароларга ВКТТМга имтиёзли йўлланмалар тақдим этилди.

*- Эл-бахту саодати, халқ саломатлиги йўлида ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимизга раҳмат. Вилоятимизнинг энг тажрибали тиббиёт мутахассислари ҳар ҳафта туманимизга келиб, беморларни соғайтириш борасида иш олиб боришяпти. Мен ҳам уларнинг мадади билан дарддан халос бўлдим,* **- дейди Маҳмуджон ота Тожибоев.**



Қисқаси, тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан ўтказилаётган "Саломатлик" акциясидан ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаяпти. Чунончи, бугунинг ўзида эндокринологлар Чортоқ туманида, кардиологлар Янги Наманган туманида, онкологлар Янгиқўрғон туманидан фаолият кўрсатишди. 14 та ҳудуднинг барчасида вилоят ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларининг малакали шифокорлари эл хизматида бўлишди.

Тиббий кўриклар билан чекланиб қолинаётгани йўқ, албатта. Маҳаллий шифокорлар билан мулоқотда уларнинг касбий махорати оширилаяпти. Вилоят ва туман жарроҳлари ҳамкорлигида кўплаб мураккаб амалиётлар муваффақиятли бажарилмоқда. Ҳа, "Тиббиётдаги ислоҳотлар – инсон қадри учун!" шиори остида давом этаётган тиббий тадбирлар ана шундай ижобий самаралар бермоқда.

**Абдулла ҒОЗИЕВ,**
**журналист.**

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

# ВЕНГРИЯ ФАРМАЦЕВТИК КОМПАНИЯЛАРИ БИЛАН МУЗОКАРА

***Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори Сардор Кариев Ўзбекистон Республикаси ҳукумати вакилларидан иборат делегация таркибида Венгрия давлатига расмий ташриф билан борди.***

Мазкур ташриф доирасида мазкур давлат фармацевтик компаниялари вакиллари билан учрашиб, музокаралар олиб борилди.

Жаҳонда 13 турдаги дори воситаларига патент олган, маҳсулотларини Германия, Вьетнам, Япония каби 20 дан ошиқ давлатларга экспорт қилувчи «Meditop Pharmaceutical Ltd». компанияси вакиллари David Greskovits ва Akc Zoltan билан бўлган учрашувда Сардор Кариев Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳасининг инвестицион жозибадорлигини очиб берди, шунингдек тармоқ корхоналари фаолияти билан таништирди.

Учрашувда, шунингдек, фармацевтик маҳсулотларни (эпилепсияни даволашда қўлланилувчи препаратлар, антибиотиклар ва оғриқ қолдирувчи дори воситаларини) ишлаб чиқариш бўйича инвестицион лойиҳани амалга ошириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Учрашувдан сўнг «Meditop Pharmaceutical Ltd». компанияси ходимлари агентлик вакилларини ишлаб чиқариш майдони ва илмий-ишлаб чиқариш лабораторияси билан таништиришди. Сардор Кариев бошчилигидаги экспертлар ўзаро хамкорлик истикболларини ўрганиш учун акциялари Будапешт фонд биржаси рўйхатларига киритилган, халқаро GMP, GPP талабларига жавоб берувчи, ISO 9001:2015 ва ISO 13485:2016 сертификатларига эга бўлган «Gedeon Richter» компаниясига ҳам ташриф буюришди.



Ушбу компания вакиллари ўзбек томонини ишлаб чиқариш майдони, илмий-ишлаб чиқариш лабораторияси ва R&D-марказининг фаолияти билан таништириб ўтди.



Икки ўртадаги музокаралар чоғи Ўзбекистон Республикасида «Gedeon Richter» бренди остида дори воситаларини шартнома асосида ишлаб чиқариш масаласи кўриб чиқилди.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги делегацияси вакиллари, шунингдек, «Фемфельдогозо» компанияси вакиллари билан ҳам учрашиб, Ўзбекистонда «Оскар Мебель» МЧЖ билан ҳамкорликда тиббий мебель ва тиббий ускуналарни ишлаб чиқариш масаласида музокаралар олиб боришди ва келгуси режалар белгилаб олинди.

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Матбуот хизмати.**





НАУКА

# НОБЕЛЕВСКАЯ ПРЕМИЯ ПО МЕДИЦИНЕ ПРИСУЖДЕНА ЗА ИССЛЕДОВАНИЕ ВЫМЕРШИХ ГОМИНИДОВ

**Нобелевская премия по физиологии и медицине 2022 года присуждена за исследование генома вымерших гоминидов и эволюции человека ученому из Швеции. Об этом 3 октября сообщил шведский Нобелевский комитет в Twitter.**



«Нобелевской премией в области физиологии и медицины награжден Сванте Паабо за его открытия в области геномов исчезнувших гоминидов и человеческой эволюции», — говорится в заявлении организации в Twitter.

Гоминидами называют семейство приматов, включающее людей и больших человекообразных обезьян. Ранее к гоминидам относились только люди и их вымершие предки, а орангутанов, горилл и шимпанзе специалисты выделяли в отдельное семейство понгиды. Ученый Сванте Паабо на протяжении последних лет неоднократно числился среди наиболее вероятных кандидатов на Нобелевскую премию.

Представители Нобелевского комитета рассказали, что Паабо сделал «сенсационное открытие» вымершего гоминида – Денисовского человека, основываясь на генетических материалах, которые он получил из одной пальцевой кости. Ученый обнаружил, что от этого вида перешла передача генов к Homo sapiens. Они и сегодня влияют на организм человека, в частности, на реакцию иммунной системы на инфекции. Нобелевская премия по медицине и физиологии является «комплексным явлением», среди нобелиатов есть как врачи и физиологи, так и биологи, инженеры, физики и химики, рассказал ранее в понедельник «Известиям» заведующий лабораторией анализа показателей здоровья населения и цифровизации здравоохранения МФТИ Станислав Отставнов.

Тогда же российские ученые назвали исследования в естественных науках, которые, по их мнению, заслуживают Нобелевской премии 2022 года. Для этого «Известия» обратились к экспертам и проверили, насколько их оценки совпадают с прогнозами компании Clarivate. Как считает академик РАН, директор Института кластерной онкологии Сеченовского университета Игорь Решетов, в медицине в последнее время особое внимание привлекают три темы: коронавирусная инфекция, онкологические болезни и врожденные патологии.

**Год назад, в 2021 году Нобелевская премия по медицине досталась представителям США Дэвиду Джулиусу и Ардему Патапутяну за открытие молекул-рецепторов, которые запускают биохимические реакции, ответственные за ощущения тепла, холода и прикосновений.**

www.iz.ru

ОБЪЯВЛЕНИЕ

# SPECIFIC PROCUREMENT NOTICE

**Republic of Uzbekistan**
Strategic Preparedness and Response Program for COVID-19 pandemic
Health sector
Procurement of Medical equipment
Mode of Financing: Istisna'a Financing
Financing No. UZB0074

**Contract Title:** Procurement of Medical equipment for Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center for Surgery
**RfQ Reference No.** UZB/RfQ/05

1.The Government of the Republic of Uzbekistan has received financing from the Islamic Development Bank (IsDB) toward the cost of "Strategic Preparedness and Response Program for COVID-19 pandemic" project, and intends to apply part of the proceeds toward payments under the contract for procurement of medical equipment for the Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center for Surgery.

**2. The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan now invites price quotations from eligible bidders for supply of the following:**

| Lot No. | Pos. | Description of equipment | Quantity *(total)* |
|---|---|---|---|
| Lot 1 | 1.1 | Equipment for the training and simulation center/simulator (emergency care and resuscitation) | 1 |
| | 1.2 | Equipment for the training and simulation center/simulator (coronary surgery in conditions of artificial blood circulation) | 2 |
| | 1.3 | Equipment for the training and simulation center/simulator (laparoscopic surgery) | 1 |
| | 1.4 | Equipment for the training and simulation center/simulator (X-ray endovascular surgery, interventional cardiology, vascular surgery) | 1 |
| | 1.5 | Equipment for the training and simulation center/simulator (endoscopic studies) (broncho-, gastro-, colonoscopy) | 1 |
| Lot 2 | 2.1 | Nitrogen Monoxide (NO) Therapy System | 1 |

Bidders may quote for any or all lots. A quotation for a particular lot must contain all items of the lot and 100 % of the required quantities for each item of the lot. Price quotations will be evaluated and contracts will be awarded on Lot-by-Lot basis.

3. The Shopping procedures will be applied as specified in IsDB's Guidelines: Procurement of Goods, Works and related services under Islamic Development Bank Project Financing, April 2019 ("Procurement Guidelines"), and is open to all eligible bidders as defined in the Procurement Guidelines. In addition, please refer to paragraphs 1.18-21 setting forth IsDB's policy on conflict of interest.

4. Interested eligible bidders may obtain further information from the United Project Management Unit and inspect the bidding documents during office hours 09.00 to 17.00 hours (Tashkent time) at the address given below:

5. Price quotation must be delivered to the address below on or before 15:00 (Tashkent time), October 27, 2022. Electronic submission will not be permitted. Late price quotations will be rejected.

**United Project Management Unit (UPMU)**
The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan
Center for the development of professional qualification of medical workers
51, Parkent str., Tashkent, 100007 Republic of Uzbekistan
Tel.: +99871 268-25-39 (add.124)
**E mail: idb.ses@gmail.com**

# СПЕЦИАЛЬНОЕ УВЕДОМЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**
Стратегическая программа обеспечения готовности и реагирования для проекта по борьбе с пандемией COVID-19
Сектор здравоохранения
Закупка медицинского оборудования для Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии
Метод финансирования: ИСТИСНА'А
Финансирование № 0074
**Название контракта:** Закупка медицинского оборудования для Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии
**Номер запроса:** UZB/RfQ/05

1. Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Исламского банка развития (ИБР) для покрытия расходов, связанных с проектом «Стратегической готовности и реагирования на пандемию COVID-19» и намеревается использовать часть этого финансирования для выплат по контрактам на закупку медицинского оборудования для Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии.

**2. Министерство здравоохранения Республики Узбекистан настоящим приглашает правомочных участников торгов представить свои коммерческие предложения на поставку нижеследующего наименования:**

| Лот № | Поз. | Наименование оборудования | К-во *(Общее)* |
|---|---|---|---|
| Лот №1 | 1.1 | Оборудование для учебно-симуляционного центра/симулятор (неотложная помощь и реанимация) | 1 |
| | 1.2. | Оборудование для учебно-симуляционного центра/симулятор (коронарная хирургия в условиях искусственного кровообращения) | 2 |
| | 1.3. | Оборудование для учебно-симуляционного центра/симулятор (лапароскопическая хирургия) | 1 |
| | 1.4. | Оборудование для учебно-¬симуляционного центра/симулятор (рентгенэндоваскулярная хирургия, интервенционная кардиология, сосудистая хирургия) | 1 |
| | 1.5. | Оборудование для учебно-симуляционного центра/симулятор (эндоскопические исследования) (бронхо-, гастро-, колоноскопии) | 1 |
| Лот №2 | 2.1. | Система для терапии монооксидом азота (NO) | 1 |

Участники торгов могут предоставить предложение, как на все Лоты, так и на любой из Лотов по отдельности. Коммерческое предложение на конкретный лот должно содержать все позиции лота и 100 % количества, указанного для каждой позиции лота. Предложения будут оцениваться и контракты будут присуждаться раздельно по Лотам.

3. Настоящие торги будут проводиться в соответствии с процедурами закупок, как указано в Руководстве (ИБР): Закупки товаров, работ и сопутствующих услуг в рамках Финансирования проектов Исламского банка развития. Ред. апрель 2019 года ("Руководство по закупкам"), и открыты для всех правомочных участников торгов, как определено в Руководстве по закупкам. Кроме того, пожалуйста, ознакомьтесь с пунктами 1.18 - 21, в которых излагается политика ИБР в отношении конфликта интересов.

4. Заинтересованные участники, правомочные участвовать в торгах, могут получить дополнительную информацию у Объединенной группы реализации проектов и ознакомиться с конкурсной документацией в рабочее время с 09:00 до 17:00 часов (по ташкентскому времени) по нижеуказанному адресу.

5. Коммерческие предложения должны быть доставлены по нижеуказанному адресу не позднее 15:00 (Ташкентское время), 27.10.2022 г. Электронная подача коммерческих предложений не допускается. Опоздавшие предложения будут отклонены.

**Объединенная группа реализации проектов (ОГРП)**
Министерство здравоохранения Республики Узбекистан
Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников
Республика Узбекистан, 100007, г. Ташкент. ул. Паркентская, 51
Тел.: +99871 268-25-39 (доп.124)
**Электронный адрес: idb.ses@gmail.com**

# ЯНГИҲАЁТ ТУМАН ТЕЗ ЁРДАМ БЎЛИМИ ЯНГИ БИНОДА

**Пойтахтимизнинг Янгиҳаёт тумани Дўстлик маҳалласи ҳудудида тез тиббий ёрдам станциясининг янги биноси иш бошлади.**

Очилиш маросимида сўзга чиққанлар замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган мазкур муассаса ҳудудда яшовчи 160 минг нафардан зиёд аҳолига ўз вақтида, мунтазам ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишини таъкидлаб, тизимни аҳолига янада яқинлаштиришини қайд этди. Айтиш керак, ушбу "Тез ёрдам" бўлими 12 та замонавий "FORD" русумли санитар автомашинаси, малакали тиббиёт ходимлари ҳамда тезкор интернет, телефон ва радиоалоқа тизимлари билан таъминланган. Шунингдек, бино автотранспорт воситалари учун усти ёпиқ туражой, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш хоналарига эга.



Эълон

# 2023 йилда стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантура ва мақсадли докторантурада давлат бюджети маблағлари ҳисобига таълим олувчиларнинг вазирликлар, идоралар, олий таълим муассаса ва илмий ташкилотлар бўйича тақсимланиши

*(Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйича)*

| № | Ташкилот | Докторантура | Таянч докторантура | Мақсадли докторантура PhD | Мақсадли докторантура DSC | Стажёр тадқиқотчи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 31 | **Жами** | 34 | 328 | 12 | 3 | 16 |
| 31.1 | Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази | 1 | 8 | 3 | 0 | 3 |
| 31.2 | Тошкент Тиббиёт Академияси | 5 | 58 | 0 | 0 | 0 |
| 31.3 | Тошкент фармацевтика институти | 1 | 5 | 0 | 0 | 5 |
| 31.4 | Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти | 0 | 5 | 1 | 1 | 0 |
| 31.5 | Республика ихтисослаштирилган Дерматология ва венералогия илмий-амалий тиббиёт маркази | 1 | 5 | 0 | 0 | 0 |
| 31.6 | Республика ихтисослаштирилган Терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 |
| 31.7 | Бухоро давлат тиббиёт институти | 3 | 61 | 0 | 0 | 0 |
| 31.8 | Самарқанд давлат тиббиёт институти | 4 | 40 | 0 | 0 | 0 |
| 31.9 | Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази | 0 | 2 | 0 | 0 | 0 |
| 31.10 | Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти | 1 | 5 | 0 | 0 | 0 |
| 31.11 | Республика онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази | 2 | 3 | 0 | 0 | 0 |
| 31.12 | Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти | 3 | 9 | 4 | 0 | 0 |
| 31.13 | Академик Воҳидов номидаги Республика хирургия маркази | 0 | 3 | 0 | 0 | 0 |
| 31.14 | Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий-амалий тиббиёт маркази | 2 | 5 | 0 | 0 | 0 |
| 31.15 | Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти | 1 | 4 | 4 | 0 | 2 |
| 31.16 | Республика нейрохирургия илмий маркази | 0 | 3 | 0 | 0 | 0 |
| 31.17 | Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази | 1 | 3 | 0 | 0 | 0 |
| 31.18 | Тошкент педиатрия тиббиёт институти | 1 | 29 | 0 | 0 | 3 |
| 31.19 | Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 31.20 | Андижон давлат тиббиёт институти | 1 | 14 | 0 | 0 | 0 |
| 31.21 | Тошкент давлат стоматология институти | 3 | 30 | 0 | 0 | 1 |
| 31.22 | Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази | 0 | 8 | 0 | 0 | 0 |
| 31.23 | Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази | 1 | 7 | 0 | 2 | 0 |
| 31.24 | Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази | 1 | 5 | 0 | 0 | 2 |
| 31.25 | Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази | 1 | 10 | 0 | 0 | 0 |
| 31.26 | Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразит касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти | 0 | 3 | 0 | 0 | 0 |

101 ХИЗМАТИ

# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИ

***Барчамизга маълумки, ёнғин хавфсизлигининг ўзига хос талаблари мавжуд. Бугунги мавзумизда соғломлаштириш муассасалари ва дам олиш уйларига ёнғин хавфсизлиги бўйича қўйилган талабларга тўхталамиз.***

Соғломлаштириш муассасалари, дам олиш уйлари (базалари) ва ҳудудига ёнғин ўчириш автомобиллари кириб-чиқиши учун 2 тадан кам бўлмаган дарвозалар бўлиши, ва уларнинг ҳудудида ёнғин ўчириш мотопомпаси ҳамда бошқа ёнғин ўчириш жиҳозлари ва техникаларини сақлаш учун 20-30 м2 майдонга эга бўлган алоҳида бино қурилган бўлиши керак. Соғломлаштириш муассасалари ва ҳудудидаги йўл ва йўлаклар ёнғинга қарши мақсадда айланма шаклда бўлиши, шунингдек, ҳудудида баландлиги 10 м гача бўлган бинолар ташқи ёнғинга қарши тиркагич нарвонлар билан таъминланиши ҳамда тиркагич нарвонлар махсус ажратилган жойларда сақланиши лозим. Баландлиги 10 м дан юқори бўлган биноларга темирдан ишланган ташқи ёнғинга қарши нарвонлар ўрнатилиши ва . ушбу нарвонлар ер устидан 1,5-1,8 м баландликдан бошланиши муҳим. Қийин ёнувчи ва ёнувчи бостирмали ётоқхоналарниг остки қисмида омборхоналар ва бошқа моддий бойликларни сақлаш учун ёрдамчи хоналар ташкил этиш тақиқланади. Ётоқхоналар, ошхона ва оммавий маданий тадбирларни ўтказиш хоналари оловга бардошли деворлар билан ажратилиши, хоналардаги стол, стул ва каравотлар чиқиш йўлакларини тўсиб қўймаслигини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши керак. Электр ёритиш тармоқлари бўлмаган бостирма, омбор, чордоқ, ертўла ва бошқа жойларга кирганда қўл электр фонаридан фойдаланиш лозим, бундай вазиятларда гугурт, шам ва бошқа очиқ олов манбаларидан фойдаланиш қатъиян тақиқланади. Мавжуд оловга бардошлилиги ИВ ва В-даражали бўлган ётоқхона, ошхона ва клублар бинолари яшиндан ҳимоя қилувчи мосламалар билан жиҳозланиши керак. Барча ётоқхона, зал, фойе, вестибюль, йўлак, зинапоя ва ошхоналар марказлаштирилган ҳолда ёнғин ҳақида хабар бериш мосламаси билан таъминланиши лозим. Соғломлаштириш муассасалари ҳудудида ёнғин ёки бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келганда хавфни билдирувчи сигнал берувчи мосламалар ўрнатилиши зарур.

Азиз юртдошлар! Юқоридаги талабларга риоя қилсак, ўз ҳаётимизни кўнгилсиз ҳодисалардан асраган бўламиз.

**Сарвар ТУЛЯГАНОВ,**
**“Ўзбекистон МТРК Медиамаркази” ДМ биносида ЁХТТЕ бўлинмаси ёнғин назорат ва профилактика бўйича инспектор, капитан.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2–қават.
Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 685 нусха.
Буюртма Г-1040

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Намоз Толипов

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz

Топширилди – 18.00 1 2 3 4 5 6